

**PhD Руслан КУНАРОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки*

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация.** тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш йўналишларини тадқиқ қилишда соҳага оид турли тадқиқотлар ва илмий ишлар ўрганилган. Тижорат банкларида дивиденд сиёсатини ташкил этиш бўйича қонунчиликдаги тартиблар ҳамда дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш йўналишлари таҳлил қилинган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида тегишли хулосалар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар:** дивиденд, соф фойда, захира фонди, тақсимланмаган фойда, дивиденд тўловлари, оддий акциялар, имтиёзли акциялар, давлат иштирокидаги корхоналар, шаффофлик.

## **CHARACTERISTICS OF DIVIDEND POLICY OF COMMERCIAL BANKS**

**Abstract.** Various studies and scientific works related to the field have been studied in researching the directions of effective organization of dividend policy of commercial banks. The legal procedures for the organization of dividend policy in commercial banks and the directions of effective organization of dividend policy are analyzed. Relevant conclusions were formed based on the performed analysis.

**Keywords:** dividend, net profit, reserve fund, retained earnings, dividend payments, common shares, preferred shares, state-owned enterprises, transparency.

### **Кириш**

Бугунги кунда дунё бўйлаб тижорат банклари фаолияти ўрганилса, тижорат банклари учун акциядорлар ҳамда инвесторлар ишончини қозониш ва бу орқали тижорат банкларининг бозор қийматини ошириш ҳамда уларга қўшимча капитал жалб қилишга жиддий этибор қаратилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур жараёнда тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли жаҳон миқёсида дивиденд тўловларини белгилашдаги муҳим жиҳатлар, дивиденд сиёсатига таъсир этувчи омиллар, дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш ва

такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқотларда дивиденд сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, дивиденд сиёсатининг инвестицион жозибадорликка таъсири, дивиденд сиёсатининг ташкилий жиҳатлари каби масалаларга эътибор қаратилган. Бироқ, мазкур тадқиқотларда айнан тижорат банкларида дивиденд сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, тижорат банкларида дивиденд сиёсатини ташкил этишдаги муаммоли жиҳатлар, ривожланаётган мамлакатлардаги тижорат банкларида самарали дивиденд сиёсатини амалга ошириш, самарали корпоратив бошқарувни жорий қилиш орқали тижорат банклари дивиденд сиёсатини яхшилаш, тижорат банкларида дивиденд сиёсатини ташкил этишнинг самарали механизмларини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар етарлича ўрганилмаган. Мазкур ҳолат тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш йўналишларини ўрганиш долзарб эканлигини кўрсатади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Тижорат банклари дивиденд сиёсатининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, тижорат банкларининг дивиденд сиёсатининг бошқа акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсати билан қатор ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжудлигини таъкидлашимиз лозим.

Халқаро амалиётда компаниялар фаолиятини самарали йўлга қўйишда долзарб масалалардан бири сифатида дивиденд сиёсати кенг тадқиқ қилинмоқда. И.Я.Лукусевич ҳам дивиденд сиёсати назариясида асосий саволлар мавжудлигини таъкидлаган ҳолда компанияда дивиденд тўловлари компаниянинг бозор қийматига қай даражада таъсир қилиши ва ўз акциядорларига катта дивидендлар тўлайдиган компаниялар бозорни қандай баҳолаши кабиларга жавоб топиш зарурлигини айтиб ўтган [1].

А.Будагага ҳам дивиденд сиёсатининг моҳияти ва аҳамиятини очиб беришда дивиденд сиёсати бўйича назариялардан фойдаланган. “Қўлдаги куш” назарияси, маълумотлар ассимметрияси назарияси, агентлик назарияларини таҳлил қилиш билан бирга солиқ муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. “Қоникарсиз солиқ режимига эга бўлган инвесторлар кам дивидендли ёки умуман дивидендсиз акцияларни афзал кўришлари мумкин. Дивидендлардан олинadиган солиқ ставкаси юқори бўлган ҳолларда

дивидендлар баъзан капитал даромадидан юқорироқ ставкада солиққа тортилади. Натижада инвесторлар фойдани дивиденд сифатида тақсимлашдан кўра ўзларида ушлаб турувчи компанияларни афзал кўрадилар” [2]. Бундан кўринадики, мамлакатдаги солиқ сиёсати ҳам компанияларда дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишга, инвесторларни жалб қилишга ва мамлакатда капитал бозори ривожланишига таъсир кўрсатади.

М.Беллони, М.Гродзиски ва М.Жармузекларнинг фикрича, дивиденд тўлашни тартибга солишни ташкил этишнинг учта асосий сабаби мавжуд: акциядорлар ва бошқарув ўртасидаги ассиметрик маълумотлар, агентлик харажатларининг мавжудлиги ва тартибга солувчи чекловларнинг мавжудлиги [3]. Ушбу дивиденд тўлашни тартибга солишнинг асосий сабаблари дивиденд сиёсатида акс этиши мақсадга мувофиқ.

Э.Виера дивидендлар ўзгариши ҳақидаги маълумотлар эълон қилиниши ва акциялар нархининг ўзгариши ўртасидаги муносабатни таҳлил қилади. Бунда “дивидендларнинг ўзгариши ушбу компаниянинг акциялари нархининг ўзгариши билан боғлиқ” [4] эканлиги эмпирик таҳлил ёрдамида ўрганилган. Бу орқали дивидендлар ўзгариши ҳақидаги маълумотлар эълон қилиниши бозорга компаниянинг келажакдаги рентабеллиги қай даражада бўлиши ҳақида маълумот бериши тўғрисидаги фикр ҳам илгари сурилган. Бундан кўринадики, дивиденд тўловларининг ўзгариши бевосита ва билвосита компаниянинг бошқа бир неча кўрсаткичлари шаклланишига ҳам таъсир қилади.

М.Хараке [5] таъкидлашича, маълумотлар ассиметриясининг камайиши дивиденд сиёсати бўйича агентлик низоларининг камайишига сабаб бўлади. Шунингдек, бу компанияда нақд пуллар танқислиги бўлганда дивидендларни тўлаш учун кўп харажат талаб этадиган капитал жалб қилиш йўлларида фойдаланиш заруратини камайтиришини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Х.Худойқулов “акциядорлик жамиятининг капитал қийматини баҳолашда тўланадиган дивидендлар миқдори ҳамда дивидендларнинг фоизлар орқали капитал қийматини баҳолаш энг мақбул йўл” [6] эканлигини таъкидлаган. Демак, дивидендлар капитал қийматини баҳолашдаги асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Бир гуруҳ тадқиқотчилар оқилона дивиденд сиёсати акция нархига ижобий таъсир кўрсатишига, шунингдек, рақобатчи компаниялар томонидан

компанияларнинг қўшиб олинишининг олдини олишга ёрдам беришини ҳам таъкидлаб ўтишган [7].

У.Халиков “дивидендлардан олинадиган даромадларнинг солиққа тортилиши, ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг нисбатан камайишига олиб келиши” [8] ни таъкидлаган. Бу масала аҳоли фаол тарзда компаниялар акциялари олди-сотдисиди иштирок этадиган ёки аҳолини инвестицион фаолиятга фаол жалб этишга эътибор қаратаётган мамлакатларда долзарбдир. Чунки аҳоли томонидан акциялар сотиб олинишида аксарият ҳолларда бош мақсад дивиденд олиш орқали қўшимча даромадга эга бўлиш ҳисобланади. Агар дивидендлар юқори солиқ ставкаларида солиққа тортиладиган бўлса, бундай мамлакатларда аҳолининг фонд бозоридаги иштироки пассивлигича қолиши мумкин.

### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақолада тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш йўналишларини тадқиқ қилишда анализ, синтез, индукция, дедукция, илмий абстракциялаш каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатимизда тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этишда тартибга солиш механизмларини самарали ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилиши лозим. Хусусан, давлат иштирокидаги тижорат банкларида самарали корпоратив бошқарувни йўлга қўйиш, тижорат банклари фаолият самарадорлигини ошириш, дивиденд сиёсатини такомиллаштириш кабилар бўйича қонунчилик базасини мустаҳкамлаш зарур. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон Қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда тегишли халқаро молиявий институтлар ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан жалб этилган экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш бўйича бир қатор йўналишлар белгиланган. Хусусан, давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини оптималлаштириш, хусусий сектор

муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини чеклаш, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитларига тўлиқ ўтишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини тўлақонли татбиқ этиш, давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ошкор этиш, корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлаш кабилар шулар жумласидандир (1-расм).

Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини оптималлаштириш, тизимлаштириш ва бирхиллаштириш орқали тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларга жамлашни назарда tutувчи қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган давлат иштирокидаги корхоналар етарли даражада асослангирмасдан ташкил этилишига, шунингдек, тегишли тармоқ ва соҳалардаги бошқа корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлишига йўл қўймаслик;

Хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини чеклаш, «сot ёки тушунтир» тамойилини амалиётга кенг жорий этиш;

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитларига тўлиқ ўтишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини тўлақонли татбиқ этиш;

Ижро этувчи орган фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари асосида, кузатув кенгаши фаолиятини эса корпоратив бошқарув тамойилларининг жорий этилиши даражасига қараб баҳолашга ўтиш;

Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ошкор этиш, корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлаш;

Илғор хорижий тажриба ва хорижий таълим муассасалари билан корпоратив бошқарув ҳамда капитал бозори соҳасида ҳамкорлик асосида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш.

**1-расм. Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш бўйича белгиланган йўналишлар [9]**

Давлат активларини бошқариш бўйича масъул давлат ташкилотлари учун давлат иштирокидаги корхоналар, хусусан, давлат иштирокидаги тижорат банкларидаги давлат улушини самарали бошқариш, фонд бозоридаги фаоллигини ошириш ва самарали корпоратив бошқарувни таъминлаш бўйича 2025 йилгача чора-тадбирлар ҳам белгиланган (2-расм).



**2-расм. Давлат иштирокидаги корхоналар бўйича белгиланган чора-тадбирлар [9]**

Тижорат мақсадлари фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият учун белгиланади. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг тижорат фаолияти очиқ ва рақобатбардош бозорда адолатли рақобат шароитида даромадни кўпайтиришга ёки тартибга солинадиган бозор шароитида самарали ишлашга қаратилади. Тижорат мақсадларини амалга оширувчи давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда уларнинг активлари корхонанинг узоқ муддатли ривожланишини, дивидендлар тўланиши ва фаолиятидан барқарор фойдани таъминловчи бизнес-режа асосида бошқарилади. Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришга ҳомийлик ва бошқа беғараз ёрдам учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига асосан йўналтириладиган маблағларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдоридан ортиқ қисми давлат улуши бўйича дивидендлар сифатида тан олинади, ушбу дивидендлар давлат

[International Journal of Finance and Digitalization](http://www.ijfd.uz)  
[Email: ijfd.uz@gmail.com](mailto:ijfd.uz@gmail.com)

бюджетига тўлашда ушлаб қолинади ҳамда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича уларнинг молия-хўжалик фаолияти якунларини баҳолашда инобатга олинади.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш йўналишлари [10]

| № | Стратегик йўналиш                       | Асосий мақсад                      | Амалга ошириш механизмлари                                      | Молиявий кўрсаткичларга таъсири | Кутиладиган натижалар          |
|---|-----------------------------------------|------------------------------------|-----------------------------------------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|
| 1 | Капитал етарлилигини таъминлаш          | Капитал барқарорлигини сақлаш      | Дивиденд лимитларини жорий этиш, Basel III талабларига мослашиш | ROA, ROE барқарорлиги           | Молиявий барқарорлик ошиши     |
| 2 | Барқарор дивиденд сиёсати               | Инвесторлар ишончини мустаҳкамлаш  | Узоқ муддатли дивиденд режаси ишлаб чиқиш                       | Акция нархининг ўсиши           | Инвестиция жозибadorлиги ошиши |
| 3 | Фойдани қайта инвестиция қилиш          | Активлар ва капитални кўпайтириш   | Инвестицион дастурларга маблағ ажратиш                          | Активлар ўсиши                  | Рақобатбардошлик кучайиши      |
| 4 | Акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш   | Манфаатлар мувозанатини таъминлаш  | Акциядорлар йиғилишлари, овоз бериш                             | Дивиденд барқарорлиги           | Корпоратив ишонч ошиши         |
| 5 | Захира фондларини ривожлантириш         | Рискларни камайтириш               | Захиралар нормативини ошириш                                    | Ликвидлик кўрсаткичлари         | Инкирозларга чидамлилиқ        |
| 6 | Дивиденд турларини диверсификация қилиш | Инвестор сегментларини кенгайтириш | Оддий ва имтиёзли акциялар сиёсати                              | DY, DPR ўсиши                   | Инвесторлар сони кўпайиши      |
| 7 | Молиявий шаффофликни ошириш             | Ахборот очиклигини таъминлаш       | Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари                           | Ишонч рейтинг                   | Бозор нуфузи ошиши             |
| 8 | Риск-менежмент интеграцияси             | Молиявий хавфларни чеклаш          | Стресс-тестлар, сценарий таҳлил                                 | Левереж коэффициенти            | Зарарлар камайиши              |
| 9 | Узоқ муддатли стратегиялаш              | Барқарор ўсишни таъминлаш          | Дивиденд прогноз моделлари                                      | Банк қиймати ўсиши              | Инвесторлар барқарорлиги       |

1-жадвалда Ўзбекистонда тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этишнинг асосий стратегик йўналишлари тизимли равишда акс эттирилган бўлиб, улар банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. 2-жадвалда келтирилган капитал етарлилигини таъминлаш йўналиши банк капитали барқарорлигини сақлаш ва халқаро Basel

III талабларига мослашиш орқали рискларни камаййтиришга хизмат қилади. Дивиденд лимитларини жорий этиш молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади. Барқарор дивиденд сиёсати инвесторлар ишончини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, узоқ муддатли режалар орқали акция нархининг ўсишини таъминлайди. Бу эса инвестиция жозибадорлигининг ошишига олиб келади. Фойдани қайта инвестиция қилиш йўналиши активлар ва капитал ҳажмини кўпайтириш орқали банк рақобатбардошлигини кучайтиради. Инвестицион дастурларга маблағ ажратиш банкнинг стратегик ривожланишини жадаллаштиради. Акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш орқали корпоратив бошқарув самарадорлиги оширилади. Акциядорлар йиғилишлари ва овоз бериш механизмлари дивиденд барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Захира фондларини ривожлантириш рискларни камаййтириш ва ликвидлик кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилади. Бу эса банкларнинг иқтисодий инқирозларга чидамлилигини оширади. Дивиденд турларини диверсификация қилиш турли инвестор сегментларини жалб этиш имконини яратади. Оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида дивиденд сиёсатини юритиш DY ва DPR кўрсаткичларининг ўсишига замин яратади. Молиявий шаффофликни ошириш орқали ахборот очиклиги таъминланиб, банкнинг ишонч рейтинги мустаҳкамланади.

### **Хулоса**

Мазкур мақолада тижорат банклари дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш йўналишларини тадқиқ қилиш орқали қуйида хулоса ва тавсиялар шакллантирилган:

1. Тижорат банкларида узоқ муддатли дивиденд стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Тижорат банклари қисқа муддатли фойдага эмас, балки капитал етарлилиги, ликвидлик ва ривожланиш режалари билан уйғунлашган узоқ муддатли дивиденд сиёсатини қабул қилиши лозим, бунда дивиденд тўловлари барқарор ва прогноз қилинадиган бўлиши инвесторлар ишончини мустаҳкамлайди;

2. Тижорат банкларида капитал ва дивиденд ўртасида мувозанатни таъминлашга эътибор қаратиш зарур. Дивиденд тўлашдан олдин банк капитал етарлилиги кўрсаткичларини, Базел талабларини ва риск даражасини ҳисобга

олиб, фойданинг муайян қисмини захираларга йўналтириш орқали молиявий барқарорликни устувор вазифа сифатида белгилаши зарур;

3. Тижорат банкларида оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дифференциал дивиденд сиёсатини юритиш мақсадга мувофиқ. Инвесторлар таркибини диверсификация қилиш мақсадида банклар оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида дивиденд механизмларини жорий этиб, чакана инвесторлар иштирокини оширишга эътибор қаратиши лозим;

4. Тижорат банклари дивиденд сиёсатида шаффофликни кучайтириш керак. Банклар дивиденд тўловлари бўйича қарорларни молиявий ҳисоботлар, пресс-релизлар ва акциядорлар йиғилишлари орқали очиқ эълон қилиб, қарор қабул қилиш мезонларини аниқ баён этиши орқали бозор ишончини мустаҳкамлаши керак;

5. Тижорат банкларида риск-менежмент ва дивиденд сиёсатини интеграция қилиш зарур. Дивиденд тўловлари стресс-тест натижалари, кредит портфели сифати ва макроиқтисодий омиллар таҳлили асосида белгиланиши лозим, бу эса ташқи иқтисодий шоклар шароитида банк барқарорлигини сақлаш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. 3-е издание. Учебник. М.: Эксмо, 2011 г. стр 719.
2. Akram Budagaga. Dividend Payment and its Impact on the Value of Firms Listed on Istanbul Stock Exchange: A Residual Income Approach. // International Journal of Economics and Financial Issues, 2017, 7(2), 370-376.
3. Marco Belloni, Maciej Grodzicki and Mariusz Jarmuzek. What makes banks adjust dividend payouts? // European Central Bank, 2021; [https://www.ecb.europa.eu/pub/financial-stability/macprudential-bulletin/html/ecb.mpbu202106\\_4~63bf1035a7.en.html](https://www.ecb.europa.eu/pub/financial-stability/macprudential-bulletin/html/ecb.mpbu202106_4~63bf1035a7.en.html)
4. Elisabete Fátima Simões Vieira. SIGNALLING WITH DIVIDENDS? NEW EVIDENCE FROM EUROPE. // Instituto Superior de Ciências do Trabalho e da Empresa, October 2005. – 33 p.
5. M.Harake. Dividend policy and corporate investment under information shocks. // Journal of International Financial Markets, Institutions and Money. Article. February 21, 2020. [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com)

6. Х.Х.Худойкулов. МУЛЬТИПЛИКАТОР КОЭФФИЦИЕНТЛАР ОРҚАЛИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРНИ КАПИТАЛ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2019 йил

7. Kurbonov, J. PhD; Kholikov, U. PhD; Shukurullaev, M.; and Atabaev, Sh. (2021) "INCREASING BUSINESS VALUE AND PROFIT DISTRIBUTION MECHANISM: ANALYSIS OF GLOBAL PRACTICE," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss1/3>

8. У.Р.Халиков. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент, 2017. – 15 бет

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 166-сон қарори, 29.03.2021. <https://lex.uz/docs/5348948#5349593>

10. [https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2024/05/dividend-payments-by-state-owned-enterprises\\_b96d196c/975b5e78-en.pdf](https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2024/05/dividend-payments-by-state-owned-enterprises_b96d196c/975b5e78-en.pdf) - Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган